

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

21-ЙИЛ
ЧИКИШИ

№ 203 (5296).

16
ОКТАБРЬ
ЧОРШАНБА

1974 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ПАРТИЯ ДАЪВАТИ

ЖОНАЖОН мамлакатимиз
муборак айём — Ўлгу Октя-
брь социалистик революцияси-
нинг 57 йиллиги арафасида
турипти. Шу кеча-кундузда са-
ноат корхоналарининг колес-
тилари, қурилиш таъхилотла-
рининг бунёдкорлари, колхоз
ва совхозларининг азамат
меҳнаткашлари, иқидий уюш-
маларининг ходимлари ўз-
гача ғайрат, ўзгача шижоат би-
лан меҳнат қилмоқдалар. Зо-
та улар совет халқи тарихида-
ни энг буюк сана — Ўлгу Ок-
тябрининг шонли йиллигини му-
носиб меҳнат тухфалари билан
кутиб олишга тараддуд қилмоқ-
далар. Ана шундай бир вази-
ятни КПСС Марказий Комитети-
нинг Октябрь Чакриқлари ба-
ралла янгради.

— Яшасин жаҳон тарихида
лиги динр — дунёни револю-
цион янгилаш, капитализмдан
социализмга ўттиш даврини
очиб берган Ўлгу Октябрь!

Улкан байрамларни, табар-
рук саналарни муносиб меҳнат
соғалари билан кутиб олиш
халқимиз ҳаётида қўйиб қў-
йилган. Шундан таш-
қари ишлаб чиқарилаётган мах-
суотлар, бирин-кетин фойдала-
нишга топширилаётган қури-
лиш объектлари, соат сайин
қаблларини қувонтираётган га-
лаба рапортлари, янги-янги
лойиҳа ва тадқиқотлар тимсо-
лида ана шундай намуна-
ни сезиш мумкин. КПСС XXIV
съездининг тарихий қарорлари-
ни, тўққизинчи беш йиллик
режаларини зами-шав билан
амалга оширишга зафаркор
ишчиларимиз, колхозчи деҳ-
қонларимиз, иқидкор зейлла-
римиз байрамолди социалистик
мусобақасини тобора кенг ала-
олдириб, оз меҳнат сарфлаб,
қўл ва ақли маҳсулот ишла-
тириш учун, шу тариқа Ок-
тябрь тантаналарини аришти-
лган билан кутиб олиш
учун ўзларининг бутун куч ва
юмқонларини сафарбар эт-
моқдалар.

КПСС Марказий Комитети-
нинг Октябрь Чакриқлари со-
вет кишиларининг сиёсий
активлигини ва меҳнат қўш-
иқлигини яна ҳам ошириб
юборди. Доҳимиз В. И. Ленин
тузган ва бағоватга етказган,
қурашларда тобланган ва чи-
қиққан азиз Коммунистик пар-
тияимизнинг даъваткор сўзлари
ҳар бир меҳнат аҳлини ўз со-
ҳасида янги-янги меҳнат гала-
балари сари руҳлантириб юбо-
рди. Маъжур илҳомбахш Чак-
риқларда республикамиз ишчи-
лари қатори областимиз са-
ноатчилари ҳам амалий иш
билан жавоб бермоқдалар. Тош-
кент машинасозларининг, Бе-
кобод металлургияларининг,
Ангрен шахтёрларининг, Олма-
талик қончиларининг, Чирчиқ қим-
ғарларининг ойлиқ, квартал
планларини мунддатидан ил-
гари ошириб адо этаётганлик-
лари бунинг ёрқин мисолдир.
Улар КПСС Марказий Коми-
тетининг декабрь Плениуми
(1973 йил) қарорларига, пар-
тия Марказий Комитетининг
партияга, бутун совет халқига
Мувожаатга жавобан, КПСС
Марказий Комитети Сиёсий
бюросининг қимматли кўрсат-
маларига амал қилиб, комму-
низм қурилиши шидда чинақиб
меҳнат мўъжизаларини қўрсат-
моқдалар, беш йиллик белги-
ловчи йил социалистик ма-
жбуриятларини бариқат, тўла
тўлиқ бажариш учун астойдил
тер тўқмоқдалар. КПСС Мар-
казий Комитети Бош секретари
ўртоқ Л. И. Брежневнинг Со-
вет Молавияси 50 йиллигига
бағишланган тантанали маъ-
лида сўзлаган нутқида айтган
қуйидаги сўзларини барча со-
вет кишилари қатори республи-
камиз меҳнаткашлари ҳам қиз-
ғини маъқуллаб кутиб олдилар.

«... Ҳар бир кишига равиш-
бўлиш доимия, — деди ўр-
тоқ Л. И. Брежнев, — партия
XXIV съезди белгилаб берган
марраларга эришмоқ учун биз
ҳаммамиз янада активроқ, яна-
да сабот билан ишлашимиз ке-
рак. Бу гап шу йилнинг қолган
ойларига ҳам ва албатта беш
йиллигининг охириг янлага ҳам
тааллуқлидир».

Коммунизм бинокори бў-
лиш совет халқига мувожаат
қилар экан КПСС Марказий
Комитети барча меҳнаткаш-
ларини мамлакатимиз қудрати
ва фаровонлигининг негизи бў-
лган социалистик экономикани

янада юксалтиришга, юксак
меҳнат умумдорлиги ва ишлаб
чиқариш самарадорлигига эри-
шишга, ишлаб чиқаришдаги
ички резервлардан тўла фойда-
ланишга, техника тараққийини
жадаллаштиришга, янги техника
ва прогрессив технологияни
кенгроқ жорий қилишга, халқ
истеъмоли молларини кўпроқ
еткизиб беришга чақиради.

— Колхозчилар ва совхоз-
ларининг ходимлари! Қишлоқ
хўжалик маҳсулотлари етишти-
риш ҳамда давлатга сотиш беш
йиллик топшириқларини бажари-
шга сабот билан эришингиз!
Чорва қишлоқини муваффақият-
ли ўтказиш ва қўламли
экишга намунали тайёргарлик
қўриш учун, 1975 йилда мўд
ҳосил олиш учун курашингиз!

Маъна шу жанговар сўзлар
янграган дақиқаларда, қардош
совет республикалари ҳамма-
зида бахт-қўбол тоған сер-
қўш республикамиз ва Ўзбе-
кистон Компартиясининг шо-
ли ярим асрлик олтин юбилейи

нишонланадиган тантанали ок-
табр саноқли кунлар қолганда
областимизнинг қишлоқ хўжа-
лиқ меҳнаткашлари қувончи
зафар қўқидилар. Улар гоит
қисқа муддат — 26 кун қишда
пахта тайёрлаш халқ хўжалик
планини бажарганликлари ҳа-
қида рапорт бердилар. Давлат
қабуд пунктларига 370 минг
тоннадан зиёд «оқ олтин» ет-
казиб берилди. Давлатга галла,
каноп, сабзавот, картошка, қо-
вун-тарвуз, пилла, йун сотиш
бўйича ҳам халқ хўжалик пла-
нлари муваффақиятли адо этил-
ди.

Эндиликда областимиз меҳ-
наткашлари қишлоқ хўжалик
маҳсулотлари сотиш юзасидан
олинган социалистик мажбу-
риятларини шараф билан
адо этиш, беш йил-
лигининг тўрттинчи йиллиги ақо-
либ қўрсаткичлар билан ақу-
либ қишлоқ хўжалик ишлаб
чиқаришининг самарадорлигини
ошириш ерди, техникадан,
меҳнат ва моддий ресурслардан
омилидорлик билан фойда-
ланиш борасида бутун маҳорат-
ларини шонли соғмоқдалар.

Октябр Чакриқларида пар-
тияимизнинг ленинчи Марказий
Комитети транспорт ва алоқа
ҳодимлари, олимлар, конструктор-
лар, адабиёт ва санъат ар-
боблари, халқ маорифи, со-
лиқчи саклаш, савдо, маданият
ва маънавий хизмат ҳодимлари
ни ва бошқа соҳаларнинг намо-
ндадорларини ҳам ўзлари фаол-
либ кўрсатаётган жабҳаларда ян-
ги-янги муваффақиятлар қу-
чилишга чорлайди.

— Яшасин Совет Иттифоқи-
нинг ленинчи ташқи сиёсати —
халқлар тинчлиги ва дўстлиги
сиёсати, империализмга, реак-
ция ва урушга қарши кураша-
ётган ҳамма кучларни янгила-
штириш сиёсати!

КПСС XXIV съезиди иш-
лаб чиқилган Тинчлик програм-
маси бутун жаҳонда тантанала
қилмоқда. Бу программа Ер
куррасидан барча халқлар
ни маънафатларига мос бўлиб
тутишмоқда. Шунинг учун ҳам
Октябр Чакриқларида соци-
алистик дўстликни мамлакат-
ларнинг бирлиги ва янелиги
ушуга қаратади, социалистик ин-
терналларнинг байроғини ба-
ланга кўтаришга қардошлар-
нигиза қизғин савомлар йўлдо-
лади, меҳнаткашларнинг ҳуку-
ни учун, тинчлик, демократия
ва социализм учун, импери-
ялистларнинг раҳишона кирди-
корларига қарши мардонавор
курашаётган барча капиталис-
тик мамлакатлар халқларига
бу йўлда улкан муваффақият-
лар тиланади.

Коммунистик партияимиз,
унинг жанговар Марказий Ко-
митети атрофига маҳкам жип-
лашган совет халқи коммунизм
қуриш йўлида қонли ишони бил-
лан олға бормоқда. Ўзининг
социал тузумимиз, марксча-ле-
нинчи идеологиямиз, совет тур-
муш тарзини, ҳўзлас бутун
воқелигизга келажакка чўқур
ишонч тутирмоқда, барча ки-
шиларга битмас-туганмас ғай-
рат, бардамлик ва умиддорлик
руҳини бахш этмоқда. Шу боис-
дан ҳам совет кишилари ба-
ралла шундай дейишга ҳақли-
дилар:

— Яшасин ишчилар синфи-
нинг, бутун совет халқининг
сингалган авангарди — Совет
Иттифоқи Коммунистик пар-
тияси Яшасин партия билан
халқнинг бўзламас буюк бир-
лиги!

ТУРСУНОЙ БРИГАДАСИ ПЕШКАДАМ

Ўзбекистон ССР ва Ўзқом-
партиянинг шонли 50 йилли-
гини меҳнат зафарлари билан
кутиб олиш учун курашаётган
Чиноз райониди Кирон номли
колхознинг машҳур бригада
бошлиғи, Ленин мукофотининг
лауреати, Социалистик Меҳнат
Қаҳрамони Турсуной Охунова
раҳбарлик қилаётган бригада
йиллик пахта тайёрлаш пла-
нини саккиз иш кунинда
муваффақиятли бажарди. 85 гек-
тар ерининг ҳар гектаридан ҳо-
лиргача 32 ўрнига 47 центнер-
дан ошириб «оқ олтин» топ-
ширилди. План 145 процент-
дан ошиб кетди.

Бригада бошлиғи ўзи тўрт
қаторли «зангори кема» ни бош-
қариб биринчи теримда кунига
15-25 тоннадан пахта терди.
Иккинчи теримда эса бункер-
дан 8-10 тоннадан «оқ олтин»
тўқди. Шундай қилиб Турсу-
ной Охунованинг шу кунгача
терган пахтаси 340 тоннадан
ошиб кетди.

— Даламизда, — дейди бри-
гада бошлиғи, — ҳосилининг
чўғи кўп. Уни ноқуд қилмай
йиғиштириб оламиз. Биз йил
бошида ҳар гектар ердан 50
центнердан пахта топшириш
юзасидан социалистик мажбу-
рият қабул қилган эдик. Ҳо-
зирги кунда ишимиз ахши кет-
типти. Яқин кунлар ичида ваъ-
дамизни ҳам ошириб бажара-
миз.



Суратда: Турсуной Охунова.

ДАЛВАРЗИНЛИКЛАР РАПОРТИ

ЗАФАР. (телефон орқали).
Бекобод райониди 2-«Далвар-
зи» совхозининг коллектив
юксак зафар қўқди. Давлатга
пахта топшириш юзасидан бе-
рилган план мунддатидан ил-
гари адо этилди. 2850 гектар
пахта майдонининг ҳар гекта-
ридан 26 центнердан ҳосил
олинди. 7400 тонна «оқ ол-
тин» тайёрланди. Топширил-
ган пахтанинг 80 процент
«зангори кема»лар ёрдами
билан териб олинди.

Совхозда Нуъмон Маҳмудов,
Зияри Баратов, Мирмуҳсин
Холқов, Мухторхон Аъзамов

ўртоқлар раҳбарлик қилаётган
бригадаларнинг аъзолари план-
ларини ортиги билан адо этиб,
мажбурият ҳисобига пахта топ-
ширишга киришдилар. Улар
ҳар гектар ердан 40—50 цент-
нердан пахта йиғиштириб олиш
иштибери билан ишламоқдалар.
Йилги-теримни тезлаштириш
да жуда кўп механик-ҳайдовчи-
лар намуна бўлишмоқда. Б.
Жўраев, А. Усмонов, М. Акба-
ралиев каби «зангори кема» ка-
питанлари 150 тоннага етказиб
пахта териб қўйишди.

— Хали даламизда ҳосил
кўп, — дейди совхоз директо-

ри А. Қозоқбоев, — яна 2650
тонна қўшимча «оқ олтин» топ-
шириш мажбуриятини олдиқ.
Йили бунаштирмаган ҳолда
сурьатга сурьат қўшамиз. Ҳар
гектар ердан хўжалигимиз бў-
йича 35 центнердан ҳосил
олиб, бу йилнинг ўзида 10 минг
тонна «оқ олтин» етиштирамиз.
Бунинг учун бизда барча им-
кониётлар мавжуддир. Зиммага
олинган мажбуриятимизни Ўз-
бекистон ССР ва Ўзбекистон
Компартиясининг шонли 50
йиллиги тўғичага албатта ба-
жарамиз.

СИРДАРЁ МАРРАГА ЕТДИ

Сирдарё области пахтакорла-
ри Ўзбекистон ССР ва Ўзбе-
кистон Компартиясининг 50
йиллиги шарафига қабул қил-
ган юксак социалистик мажбу-
риятларини муваффақиятли ба-
жариш учун мусобақалашиб,
мўд ҳосил етиштирдилар, пах-
тани йиғиб-териб олиш ва
давлатга топшириш тез суръ-
атлар билан олиб бориб, пахта
тайёрлаш халқ хўжалик пла-
нини 15 октябрда бажардилар.
Давлат 265 минг тоннадан
кўпроқ пахта олди, бу «оқ ол-
тин»нинг 225 минг тоннаси ёки

85 процентини машиналарда те-
риб олинди.
Бобўт, Ворошилов, Илъяч,
Янгир районларининг хўжа-
ликлари давлатга пахта сотиш
халқ хўжалик планини областда
биринчи бўлиб бажардилар.
Пахта топшириш давом этмоқ-
да.

Область пахтакорлари бутун
хосилини қисқа мунддатларда
йиғиб-териб олиш ва давлатга ана
85 минг тонна пахта сотиш
мажбуриятини олдилар, бу
эса илгари қабул қилинган маж-
буриятлардагига нисбатан 20
минг тонна кўпдир.

ЮБИЛЕЙ ЖИРМОНИГА

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ
БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 15 ОКТАБРГАЧА
БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Халқ хўжалик планига нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — бир кунлик ўсид, иккинчи стун — ма- всум бошидан бери, учинчи стун — машина терими, бир кунлик ўсид, тўртинчи стун — мавсум бошидан бери			
Кўни Чирчиқ	1.22	117.26	0.76 132.39
Юқори Чирчиқ	1.67	116.98	1.64 123.33
БЕКОВОД	1.33	105.58	1.68 115.78
ОҚҚУРҒОН	2.01	104.05	1.59 110.15
БУКА	2.54	100.01	3.38 105.89
Янгйўл	3.05	97.87	4.11 97.72
Пискент	1.86	92.66	1.78 94.43
Чиноз	3.65	92.31	4.35 98.04
Ўрта Чирчиқ	2.15	91.15	1.49 108.74
Область бўйича	2.10	100.95	2.12 110.44

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ШУДОРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 15 ОКТАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — шудор қилин-
ган майдон (гектар ҳисобида), иккин-
чи стун — планинг бажарилиши
(процент ҳисобида)

Калинин	5241	56.5
Орқонқиз	3679	46.5
Юқори Чирчиқ	5196	30.1
Кўни Чирчиқ	4539	18.4
Янгйўл	2709	17.0
Бўстонлиқ	634	15.0
Охангаров	620	12.3
Бука	2827	11.1
Бекобод	5043	10.7
Ўрта Чирчиқ	2711	10.5
Чиноз	1145	8.1
Оққўрғон	1643	7.2
Пискент	1120	6.4

Область бўйича 35107 16.1

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ШОЛИ ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 15 ОКТАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — халқ хўжалик
план топшириш, (тонна ҳисоби-
да), иккинчи стун — бир кун-
тоширилган тонна, учинчи стун
— план-топириқнинг бажарили-
ши (процент ҳисобида)

Пискент	925	6	103.5
Юқори Чирчиқ	1240	—	100.3
Оққўрғон	2290	126	58.7
Бекобод	11530	386	57.0
Янгйўл	1260	74	51.0
Кўни Чирчиқ	8490	399	49.7
Чиноз	790	35	49.0
Бука	2855	84	41.7
Ўрта Чирчиқ	8620	317	41.2
Область бўйича	38000	1477	52.9

БЎКАНИНГ ЮБИЛЕЙГА АРМУҒОНИ

Район пахтакорлари йиғим-
теримни пухта тайёргарлик ва
эур уюшқоқлик билан бошлаб,
ҳар кун йиллик планининг
беш-олти процентидан пахта
сотишга эришдилар. Бунда
«зангори кема»ларнинг роли
катта бўлди. Районда эмас, об-
ластда биринчилар қатори га-
лаба рапортга имзо чеккан
«Октябрь 40 йиллиги» колхозда
етиштирилган хосилининг қарийб
ҳаммаси машиналар билан териб
олинди. Халқ хўжалик плани
октябр ойи бошларида бажари-
лди.

Мана бутун район пахтакор-
лари рапорт бердилар. 50550
ўрнига 50555 тонна «оқ олтин»
сотишди. Бўқалиқлар: Бу биз-
нинг юбилейга совғамиз демок-
сотишга эришдилар. Бунда
«зангори кема»ларнинг роли
катта бўлди. Районда эмас, об-
ластда биринчилар қатори га-
лаба рапортга имзо чеккан
«Октябрь 40 йиллиги» колхозда
етиштирилган хосилининг қарийб
ҳаммаси машиналар билан териб
олинди. Халқ хўжалик плани
октябр ойи бошларида бажари-
лди.

Ҳозирги кунларда район
пахтакорлари сурьатини бў-
шаштирмаган ҳолда ғайрат ва

шижоат кўрсатиб меҳнат қил-
моқдалар. Райондаги йирик
Ҳамза номли колхоз пахтакор-
лари районда социалистик маж-
буриятнинг бажарилишига му-
носиб ҳисса қўшаётлар.

Бўқалиқлар қишлоқ хўжали-
гининг бошқа соҳалари бўй-
ича беш йиллик планларини ша-
раф билан бажарганликлари
тўғрисида илгарироқ рапорт
берган эдилар. Уларнинг бутун-
ги ютуғи олтин юбилей арафа-
сида бўлаётганлиги учун ҳам
алоҳида маъно касб этади.

ПОЙТАХТ ОБЛАСТИ ЮБИЛЕЙ ВАХТАСИДА

ШОЛИ- ДАВЛАТГА

Область қишлоқ хўжалиги
меҳнаткашлари Ўзбекистон
ССР ва Ўзбекистон Компартия-
сининг 50 йиллик юбилейини
муносиб меҳнат совғалари би-
лан нишонлаш учун курашиб,
барча соҳалар бўйича халқ хў-
жалик планини муваффақият-
ли бажарётганликлари ҳақи-
да кетма-кет рапорт бермоқда-
лар. Кун кеча Пискент ва
Юқори Чирчиқ районли шолі-
корлари зафар қўқидилар. Пис-
кент райони шолікорла-
ри давлатга 958 тонна шолі
сотиб, халқ хўжалик плани-
ни 103.5 процент, Юқори
Чирчиқ райони шолікорлари
эса 1243 тонна шолі топшириб,
планини 100.3 процент бажарди-
дилар.

Ҳар иккала район шолікор-
лари бу йил мўд шолі ҳосили
етиштирдилар. Уни ўриб-йиғиб
олишни қисқа муддатда ўтказ-
дилар. Жуда кўп бригадалар ва
айрим хўжалиқлар ҳар гектар
ердан 50—60 центнерга ет-
казиб шолі йиғиб олдилар.

Ҳозир область райолиларида
шолі ички ва ҳосилин дав-
латга топшириш қизғин давом
этноқда. Улар тез кун ичида ўз
мажбуриятларини бажариш
учун курашмоқдалар.

А. Абалин фотоси.

Н. В. ПОДГОРНИЙ БИЛАН У. К. КЕККОНЕН ЎРТАСИДА МУЗОКАРАЛАР

ХЕЛЬСИНКИ. 14 октябр.
(ТАСС). Бутун президент саройи-
да СССР Олий Совети Прези-
думининг Раис Н. В. Подгорний
билан Финляндия Республикаси
президенти У. К. Кекконен ўрта-
сида музокаралар бўлиб ўтди.

Н. В. Подгорний билан У. К.
Кекконен ўртасида дўстлик ва ҳам-
корлик асосида ўтган музока-
ралар чоғида Совет-Финляндия
муносабатларининг аҳволи, уни янада
ривожлантириш истиқболлари муҳо-
кази қилинди. Ўтган ўттиз йил
моайинда ҳозирги вақтда ҳар
иккала мамлакат ўртасидаги му-
носабатлар учун характерли бўлиб
қолган юксак даражадаги ишонч
ва ҳамкорликка эришилганлиги
эур мамнуният билан қайд этилди.
Дўстлик, ҳамкорлик ва Ҳаро ер-
дам тўғрисида 1948 йилда имзо-
ланган, ҳар иккала давлат хал-
қ

лари ўртасидаги самимий, яхши
қўшчилик муносабатларининг
муқтаҳам пойдевори бўлиб қо-
лган Совет — Финляндия шартно-
маси бу соҳада ҳал қилувчи роль
ўйнади.

Томонлар иккала мамлакат
халқларини ўртасида дўстлик ва
ҳамкорлик асосида ўтган музока-
ралар чоғида Совет-Иттифоқ
жамятининг фаолиятига, унинг
Совет — Финляндия ҳамкорлиги
ни ривожлантиришга қўшган му-
ҳим ҳиссасига юксак баҳо берди-
лар.

Н. В. Подгорний билан У. К.
Кекконен, шунингдек муҳим халқ-
аро проблемаларни муҳокама қи-
либ, Европада хавфсизлигини му-
стаҳкамлашга ва ҳамкорликни ри-
вожлантиришга катта эътибор
бердилар.

ДЎСТЛИК ВА ХАМКОРЛИК

ХЕЛЬСИНКИ. 14 октябр.
(ТАСС). Бутун «Финляндия-Со-
вет Иттифоқи» жамяти марказий
правленисининг жамят гуно-
лигининг 30 йиллигига бағиш-
ланган тантанали маълиси бўлди.
Маълисида СССР Олий Совети
Президумининг Раис Н. В. По-
дгорний, Совет давлат делегацияси
аъзолари, Финляндия Рес-
публикасининг президенти У. К.
Кекконен, Финляндия ҳукумати
ва парламентининг аъзолари,
«Финляндия — Совет Иттифоқи»
жамяти марказий правлениси-
нинг аъзолари, ана шу оммавий
ташкilot активлари, Финляндия-
даги сиёсий партиялар ва жамоат
ташкilotларининг вакиллари
қўш бўлидилар.

Финляндия Республикаси билан
Совет Иттифоқининг давлат гим-
лари икרו этилди.

Маълисини жамят раисининг
ўринбосари Т. Карвонен очди.
У тантаналарда қатнашаётган Совет
давлат делегациясини, делегация
бошлиғи Н. В. Подгор

